

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Уйчи туман Хокими



Ш.Мусаев

2022 й

БУЮРТМАЧИ:

«Уйчи туман» Хоқимияти

Уйчи туманидаги Янгиер МФЙ маъмурий биносини
қуриш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Уйчи тумани-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

II. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Уйчи тумани Янгиер МФЙ маъмурий биносини куриш мақсадида хизмат кўрсатувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – **431 975 570** сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **“Уйчи туман” Ҳокимлиги** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй

Эл.адрес:uychituman@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади:

3.1. Адолатсиз ижрочилар ягона рејстрида бор ёки йўқлиги тўғрисида тасдиқланган маълумот.

3.2. Корхона мутахассис-ишчилари тўғрисида маълумот ҳамда мутахассисларни касби бўйича дипломидан нусха.

3.3. Корхона ҳисоб рақами бўйича банк айланма маблағи тўғрисида маълумот. (банк томонидан тасдиқланган ҳолда)

3.4. Жорий таъмирлаш ишларини ҳисоб китоби ҳамда бажариш муддати тўғрисида кафолат хати

3.5. Тендерда иштирок этувчи қурилиш корхонаси (МЧЖ) нинг тўлиқ маълумоти (гувоҳнома, низом ва бошқа тегишли ҳужжатлар)

3.6. Тендерда объектга ўхшаш объектларда камида 3 йиллик иш тажрибаси тўғрисида (молиявий натижа) маълумоти

3.7. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи, иш ҳақидан ажратма ва ушланма солиқ ҳам бошқа солиқлар бўйича ДСИ дан солиштирама далолатнома.

3.8. Моддий техника баъзаси бўйича рўйхати

3.9. Банкдан кредит олган ёки олмаганлиги тўғрисида маълумот. (банк томонидан тасдиқланган ҳолда)

3.10. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.




Уйчи туманидаги Янгиер МФЙ маъмурий биносини
қуриш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Уйчи туманидаги Янгиер МФЙ маъмурий биносини қуриш мақсадида хизмат кўрсатувчиларнинг энг яхши таклифни танлаб олиш.
2	Буюртмачи	Уйчи туман ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	Худудда яшовчи аҳоли учун МФЙ маъмурий биносига бўлган эҳтиёжи
4	Объектнинг жойлашган манзили	Уйчи тумани А.Темур кўчаси 62-уй
5	Катнашувчи учун талаблар	Янгиер МФЙ маъмурий биносини қуриш
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 431 975 570 (Тўрт юз ўттиз бир миллион тўққиз юз етмиш беш минг беш юз етмиш) сўмлик хизмат бажарилиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан Янгиер МФЙ маъмурий биносини қуриш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 30 сентябргача
10	Молияташтириш манбаи	Уйчи туман ҳокимлиги

Бош ҳисобчи :



А.Эшанов

Бош мутахассис:




У.Кадилов

Бош мутахассис:



К.Зокиржанов

Котиб:



М.Назаров